

# "Заковат" интеллектуал ўйини ғолиблари аниқланди.

// 30.05.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/zakovat-intellektual-uyini-goliblari-aniqlandi>



Бугун 24 та жамоа "Раҳбар кубоги" учун баҳс олиб борди.

Тошкент кимё-технология институти талабалари интеллектуал ўйинда зукколик ва жамоавий аҳилликни намоён этиб, 1-ўринни забт этишди.

"Янги Ўзбекистон" университетининг билимга чанқоқ талабаларидан ташкил топган 2 та жамоа ҳам 2-ва 3-ўринларни эгаллашди.

Қизғин ва дўстона руҳда ўтган ушбу баҳслар ёшлар ўртасида жамоа бўлиб ишлаш, ақлни чархлаш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилди.

Ғолиб бўлган бўлажак кимёгарларни юксак натижа билан табриклиймиз!





[uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat.uz](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat.uz)



(+99878) 140-74-26





"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати